

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН
РЎЙХАТГА ОЛИНГАН
02.03.2000 й.
N 906

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ
22.02.2000 й.
N 432

Мазкур Низом рус тилида тасдиқланган.

**Ўзбекистон Республикаси банкларида кредит
ҳужжатларини юритиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ
(Янги тахрирда)**

Мазкур Низомга АВ 27.02.2001 й. 906-1-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган

1. Умумий қоидалар
2. Берилган кредит бўйича ҳужжатларни юритиш тартиби
3. Кредитларга доир олинган ҳуқуқлар бўйича ҳужжатларни юритиш тартиби
4. Банк томонидан амалга ошириладиган ён бериш ҳужжатларини юритиш тартиби
5. Қарздорларни ўзгартиришга доир ҳужжатлар
6. Мажбуриятларнинг банк томонидан кафолатланишига доир ҳужжатлар
7. Кредитлар мониторингига доир ҳужжатлар

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида", "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонунларга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг банк фаолиятини назорат қилиш ва банк тизимида кредит таваккалчилиги бошқарувини яхшилашга доир вазифаларни ижро этиши учун шароит яратиш мақсадида банклар кредит ҳужжатларини юритиш бўйича талабларни қамраб олади.

1.2. Мазкур Низом банклар томонидан бериладиган барча кредитларга, шунингдек унга очилаётган кредит линияларига нисбатан қўлланилади.

1.3. Банк кредитларни ўзининг ички кредит сиёсатига ва кредит операцияларини юритишнинг умумий шартларига мувофиқ равишда беради.

1.4. Кредит банк томонидан кредит шартномаси асосида пул шаклида берилади.

1.5. Банк бўлажак қарз олувчидан мазкур Низомга мувофиқ равишда кредит ҳужжатларини юртиш учун зарур бўладиган барча ахборотни талаб этиши зарур.

1.6. Кредит берган банк шартнома асосида ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган бошқа усул воситасида кредит бўйича тўловни талаб этиш ҳуқуқини ҳар қандай миқдорда ён бериши мумкин. Янги қарз олувчи кредитга доир ҳуқуқини фақат ён бериш тўғрисида янги шартнома тузиш воситасида қайта ён бериши мумкин.

1.7. Кредит таркибидаги ўзгаришлар (реструктуризация) ёзма тарзда кредит шартномаси, гаров ҳақидаги шартнома, кредит шартномасини бажаришга доир бошқа шартномаларга тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш йўли билан тайёрланиши керак.

2. БЕРИЛГАН КРЕДИТ БЎЙИЧА ҲУЖЖАТЛАРНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ

2.1. Банк ҳар бир берилган кредит бўйича кредит йиғмажилдини тайёрлайди, у кредит шартномаси имзоланган ёки тасдиқланган кундан бошлаб очилади ҳамда мазкур Низомда кўзда тутилган ҳоллардан ташқари асосий қарз ва фоизлар тўлиқ тўланганидан сўнг ёпилади.

2.2. Кредит йиғмажилди ҳужжатлари муҳофазаси ва ваколатлилигини таъминлаш мажбурияти юклатилган банк ходими кредит йиғмажилдини юритиш ва сақлаш учун масъулдир.

2.3. Марказий банк банк фаолиятини текшираётган даврда банк нозирлар талаб қиладиган барча кредит йиғмажилдларини, жумладан банк бўлимлари берган кредитлар бўйича йиғмажилдларни тақдим этишлари шарт.

2.4. Бланкли (ишончли) кредитга доир йиғмажилдда ҳар қандай турдаги кредитни бериш учун талаб қилинадиган умумий ҳужжатларнинг мавжуд бўлиши етарлидир. Ушбу умумий ҳужжатлар қуйидагиларга мувофиқ келиши лозим:

қарздор томонидан имзоланган ва кредит берилишидан олдинги сана қўйилган, кредитдан фойдаланиш мақсадлари баён этилган ва кредит таъминланган ҳолда гаров мавзуи кўрсатилган ариза;

қарз олувчининг таъсис ҳужжатлари; бунда ҳужжатнинг нусхалари масъул кредит ходими томонидан қарз олувчининг юридик ишидан олинган бўлиши шарт;

бизнес-режа (истеъмол кредити ва бизнес-режани тақдим этиш шарт бўлмаган кредитнинг бошқа турлари бундан мустасно);

агар шахс қарздорнинг вакили бўлса, қарздор номидан кредит шартномасини имзолаш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат, имзолар нусхаси;

тузилган кредит шартномасининг асл нусхаси;

қабул қилинган бухгалтерия стандартларига мувофиқ тайёрланган, охириги ҳисобот санасида қарздор томонидан имзоланган молиявий ҳисоботлар, жумладан баланс ҳисоботи ҳамда даромадлар ва пул оқимига доир ҳисоботлар; зарурат туғилганда қарз олувчининг ҳисоботлари банк ва банкнинг консултацион бўлимининг масъул кредит ходими ҳамкорлигида талаб қилинаётган форматга мувофиқ келтирилиши шарт;

масъул банк ходими томонидан тайёрланган, кредитни тўлаш учун қарздорнинг нақд пул массаси оқимининг етарлилигини тасдиқловчи пул оқими тўғрисидаги ҳисобот таҳлили;

банк кредит кўмитасининг кредит тасдиқланган муддат ва шартларини ўз ичига оловчи кредит шартномасини тасдиқлашга доир қарори.

2.5. Агар кредит кўчмас мулк гарови билан таъминланган бўлса, унда кредит йиғмажилдида кўшимча равишда қуйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим:

ипотека тўғрисида тузилган шартноманинг асл нусхаси;

гаровга берувчи ва банк томонидан имзоланган, гаров объекти қийматини келишув далолатномаси;

гаровга берувчи ва банк томонидан имзоланган, гаров объекти қийматини келишув далолатномаси;

гаровга қўйилган мулкни суғурта қилиш шартномаси ва ушбу шартнома бўйича суғурта полиси;

гаров шартномасининг давлат кадастр идораларида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки давлат кадастр идораларида гаров шартномасининг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи, белгиланган шаклда гаров шартномасига қўйилган белги;

гаров предметини сотиш нархини тасдиқловчи ҳужжатлар, агар кредит, уни сотиб олишни молиялаш мақсадида берилган бўлса.

(АВ 27.02.2001 й. 906-1-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги банд) (Олдинги таҳририга қаранг)

АВ 27.02.2001 й. 906-1-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ 2.6-банд ўз кучини йўқотган

2.6. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолларда гаров тўғрисидаги шартномада тегишли ташкилотда давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи белги бўлиши лозим.

АВ 27.02.2001 й. 906-1-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ 2.7-2.11-бандлар 2.6-2.10-бандлар деб ҳисоблансин

2.6. Кўчмас бўлмаган мулк гаров тўғрисидаги шартномага мувофиқ мулкга эгалик қилиш ҳуқуқи қарздорга ўтганидан сўнг гаров воситаси бўладиган мулкни сотиб олиш учун бериладиган кредитларга доир кредит йиғмажилдларида мазкур мулкни сотиш нархини ва бу мулк суғурта қилинган пул маблағлари миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиши лозим.

2.7. Агар кредит кўчмас мулкни қуриш, таъмирлаш ва тиклашни молиялаш мақсадида берилган бўлса, банк кредит йиғмажилдига смета ҳужжатларини, шунингдек банк томонидан тайёрланган текшириш тўғрисидаги ҳисоботни ёки кредит берилган ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани киритиши лозим.

2.8. Агар кредит бошқа шахс томонидан кафолатланса, кредит йиғмажилдига қуйидаги кўшимча ҳужжатлар киритилади:

кафиллик тўғрисидаги шартнома ёки ёзма кафолат;

аудиторлик ташкилоти ёки аудиторнинг кафолатчининг (кафил) қоникарли молиявий аҳволини тасдиқловчи хулосаси;

шахснинг кафил номидан (кафолатчи) кафолат тўғрисидаги шартномани

(мажбуриятни) имзолаш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат.

2.9. Кредитни беришга доир банк билан тузилган шартномага, жумладан гаров тўғрисидаги шартномага киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар ушбу шартномалар шартларига мувофиқ расмийлаштирилиши ва тегашли йиғмажилдларга киритилиши лозим.

2.10. Кредит тўлиқ ёки қисман тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар кредит йиғмажилдига киритилиши ва кредитни тўлаш манбаларини (қарздор томонидан ўтказилган ёки гаров мавзуини сотишдан олинган мабланлар) акс эттириши зарур.

3. КРЕДИТЛАРГА ДОИР ОЛИНГАН ҲУҚУҚЛАР БЎЙИЧА ҲУЖЖАТЛАРНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ

3.1. Банк кредитга доир ҳуқуқларни сотиб олган ҳолда бу банк ён бериш тўғрисидаги шартнома имзоланган вақтда кредит йиғмажилдини очиши керак ва унга мазкур низом талабларига мувофиқ тайёрланган ва дастлабки кредитор томонидан текширилган, дастлабки кредиторнинг йиғмажилдига тикиб қўйилган барча ҳужжатларни киритиши лозим.

3.2. Ушбу бўлимнинг 3.1-бандида талаб қилинган ҳужжатлардан ташқари ўтказма амалга оширилган банкнинг кредит йиғмажилдида қуйидагилар бўлиши лозим:

ўтказишни амалга оширган банкнинг кредит ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши тўғрисидаги батафсил ҳисоботи;

пул ўтказиш тўғрисидаги шартнома, жумладан кредитга доир хизмат кўрсатиш шартлари тўғрисидаги низом (кредитни тўлаш ҳақидаги квитанция), кредитни тўлашга доир маълумотлар ва ёзма ҳужжатлар билан ўзаро алмашиш;

ён берган банк томонидан кредит бериш мезонларини белгиловчи ҳужжат нусхаси.

4. БАНК ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ЁН БЕРИШ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ

4.1. Кредитни ён берган банк кредит йиғмажилдига мазкур кредит билан боғлиқ мажбуриятлар юзасидан банк томонидан тузилган ён бериш тўғрисидаги барча шартномаларни киритиши лозим.

4.2. Агар мазкур шартнома янги кредиторга бундай хизматларни кўрсатиш бўйича банк мажбуриятларини ўзида қамраб олса, банк ён берган кредит йиғмажилди ён бериш тўғрисидаги шартномага мувофиқ кредитга оид барча тўловлар олинмагунча ёпилиши мумкин эмас.

5. ҚАРЗДОРЛАРНИ ЎЗГАРТИРИШГА ДОИР ҲУЖЖАТЛАР

5.1. Қарздорнинг ўзгариши дастлабки қарздор томонидан ўз қарзини бошқа шахс - янги қарздорга бериш тўғрисидаги шартнома, шунингдек кредит шартномасига киритиладиган тегишли тўлдиришлар ёрдамида расмийлаштирилади.

5.2. Қарздор ўзгарган кредитга доир асосий ҳужжатлар қуйидаги ҳужжатларни ўз ичига олиши лозим:

қарздор ва мўлжалланаётган янги қарздорнинг банк томонидан қарзни ўтказишга розилик беришини сўраб ёзган аризалари;

мазкур низомнинг 2.4-банди талабларига мувофиқ янги қарздорга нисбатан тайёрланган асосий ҳужжатлар (юқорида қайд этилган банднинг 8-хатбошида кўзда тутилган талаблар бундан мустасно), улар қарзни ўтказиш тўғрисидаги банк розилиги, қарздор ўзгариши муносабати билан кредит шартномасига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларга оид ҳужжатларга нисбатан қўлланилади;

банкнинг қарзни ўтказиш юзасидан берган ёзма розилиги, дастлабки ва янги қарздор ўртасида тузилган ёзма шартнома;

кредит шартномасига ёзма тарзда киритилган ва янги қарздор томонидан имзоланган ўзгартириш ва тўлдиришлар.

5.3. Банк қарзни ўтказиш юзасидан ўз розилигини беришга асос бўлган, янги қарздор берган таъминот шартларига қараб янги қарздорга очилган кредит йиғмажилдига мазкур низомнинг 5.1 ва 5.2-бандларига мувофиқ тегишли қўшимча ҳужжатлар киритиб қўйилиши лозим.

6. МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАНК ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНИШИГА ДОИР ҲУЖЖАТЛАР

6.1. Қарздор кредитни тўламаган тақдирда, кафил банк жавобгарликни ўз зиммасига олиши ҳақида кредиторга ёзма равишда хабар берилган ҳолда кафолат беришга доир ёзма шартномада банк томонидан кафиллик ва кафолатлар берилиши мумкин.

6.2. Қарздор кредитни тўламаганлиги сабабли банк томонидан амалга оширилган кафолатлар бўйича йиғмажилд очилади. У кафолат берилган шахс томонидан қарз тўлангунга қадар юритилади.

6.3. Банк томонидан кафил сифатида мажбуриятларнинг бажарилиши муносабати билан очилган кредит йиғмажилдлари мазкур Низомда кўзда тутилган талабларга мувофиқ кафолат бериш тўғрисидаги шартномани тузиш учун тайёрланган ҳужжатларни ўз ичига олади.

6.4. Қарздорнинг ўзига кафолат бераётган банк олдидаги мажбуриятлари таъминланган тақдирда, ушбу кафолатга доир кредит йиғмажилди мазкур Низомда кўзда тутилган талабларга (2.10, 6.2 ва 6.3- бандлари) мувофиқ тайёрланган ҳужжатларни қамраб олиши керак.

7. КРЕДИТЛАР МОНИТОРИНГИГА ДОИР ҲУЖЖАТЛАР

7.1. Банк ҳар бир берилаётган ёки олинаётган кредитлар бўйича йиғмажилдга қуйидаги ҳужжатларни тикиб қўйиши лозим:

қарздорнинг молиявий аҳволи ва тўловларни ўз вақтида амалга ошириш имкониятини текшириш мақсадида тегишли шартномалар тузилганидан сўнг банк ва қарздор ўртасида юз берган муомалаларни акс эттирувчи ёзишмалар ва ҳужжатлар;

кредит таъминоти сифатида берилган мулкни текшириш ҳужжатлари;

қарздор кафилнинг (кафолатчи) молиявий аҳволини акс эттирувчи барча ҳужжатлар;

кредитларни ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини тасдиқловчи ҳужжатлар;

қарздор тўловларни амалга оширмаган ҳолда банк томонидан кўрилган

чора-тадбирларни тасдиқловчи ҳужжатлар.

7.2. Кредитга доир хизмат кўрсатувчи банк ўтказиш тўғрисидаги шартнома шартларига мувофиқ кредитнинг ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини акс эттирувчи ҳужжатларни кредит йиғмажилдида юритиши шарт.

7.3. Банк бажариш муддати етиб келмаган банк кафолатлари бўйича ушбу Низомнинг 7.1-бандида кўзда тутилган ҳужжатларни юритиши лозим.

Мазкур Низомнинг амалга киритилиши муносабати билан 1999 йил 11 февралда Адлия вазирлигида 631-сон билан давлат рўйхатиغا олинган 1998 йил 9 ноябрдаги 432-сонли "Ўзбекистон Республикаси банкларида кредит ҳужжатларини юритиш тартиби тўғрисида"ги Низом ўз кучини йўқотади.

Марказий
А.Қодиров

банк

раиси

ўринбосари